Инсон омилини ҳисобга олиш охириги фойдаланувчи учун дустона интерфейсни таоминлаш, дастурий восита таркибида контексли боғлиқ ҳолда айтиб берувчи еки уқитувчи тизим, дастурий воситага киритилган функционал имкониятларни узлаштириш ва улардан фойдаланиш учун яхши ҳужжатлар мавжудлигини англатади.

Назорат саволлари:

1. Програма қандай асосий характеристикаларга эга?
2. “Ишончлик, самарадорлик, инсон факторини ҳисоби, тушунишлик”- тушунчаларни вазифасини қўрсатинг.
3. Дастурни тесдан ўтказишнинг мақсади
4. Қандай теслаш методларини (усулларини) биласиз ва уларнинг вазифаларига характеристика беринг?
5. “Қора” ва “Ок” қути усуллари методологиясига тушушча беринг?
6. Циклларни қулланишини самарадорлиги ?
7. Циклларни қандай оптималлаштириш мумкин?
8. Цикллар програмада қандай тартибда жойлашиши мумкин?
9. Модулларни программалаштиришни афзаллиги нимада?
10. Дастурни лойиҳалаштиришга тушинча беринг?

15 - Мавзу.

Программанинг асосий характеристикалари. Программани лойиҳалашда технологик жараёни. Р Е Ж А :

1. Програма тузиш усуллари.

2. Програма тузишнинг технологик жараёни.

Таянч сўзлар: Программани лойиҳалашда технологик жараёни, проседура, факт, програма Кичик ҳажимдаги программаларни ишлаб чиқариш усуллари. Катта ҳажимдаги програма лойиҳаларни тадбиқ қилиш йўллари.

Програма тузиш усуллари ва воситалари.

Программалар тузишнинг энг асосий усулларида бир бу структураларни қўлдан тузишдир. Бу усулда програма тузиш учун ўқитиш қисм мавжуд:

1. Юқоридан пастга программалар тузиш.
2. Модул программалаштириш.
3. Структураларни қўлдан тузиш.

Юқоридан пастга програма тузишда программанинг юқори қисмдан бошланади. Программанинг асосий қисми тузилиб, қуйи қисмидаги модуллар эса вақтинчалик факт номлари билан аталган проседалар билан алмаштирилади. Программани асосий модули тузилиб, тесдан ўтказилгандан сўнг кетма-кет вақтинча ёзилган модулларни ёзиш билан програма тузиш давом эттирилади.

Модул программалаштиришда программани логик қисмларига бўлинади. Бу модуллар програмада проседалар ва функциялар орқали амалга оширилади.

Структураларни қўлдан тузишда ҳар бир модулни горизантал ва вертикал қаторларда туғри номланишига айтилади. Бу усул ёрдамида модуллардан тузилган программалар ишлайдиган тесдан ўтказиш қулай модификация қилиш учун қулай программалар яратиш мумкин.

Программист вазифани таҳлил қилиб керакли бўлган алгоритмни танлайди. Танланган алгоритм тулик таҳлил қилинади ва унинг блок-схемаси чизилади.

- Программалаштириш этапи. Дастур яратиш тили танланади.


Программа қабул қилинган алгоритмда тузилади.

- Программани тузатиш этапи.

- Программани тестидан ўтказиш этапи.

ЭХМдан фойдаланиб масалани ечиш- яратилган алгоритмга асосланган ҳолда дастлабки маълумотлар устида автоматик тарзида амаллар бажариб излардан натижа қўринишига келтириш демакдир.

Информатика фани уч таркибий қисмдан иборат:



Масалани тўғри ечиб олиш учун зарур билим ва (Алгоритм ва усуллар)	ЭХМда фойдаланилган жами Дастурлар (Дастур)	ЭХМ таркибига кирган, ташки ва четки қурилмалар (ЭХМ)
--	--	--

Масалани ЭХМда ечишни босқичлври.

ЭХМдан фойдаланиб "илмий- техник масалани ечиш" тушунчаси кенг маонодаги сўз бўлиб, қуйидаги босқичларга бўлинади. Мақсадимиз босқичларни қайси бирларини мутахассис ЭХМдан фойдаланмасдан ва қайси босқичлани ЭХМдан фойдаланиб божаришни аниқлаш, ҳамда босқичларни тула урганиб чиқишдан иборат.

Илмий техник масалларни ЭХМдан фойдаланиб ечиш босқичлари:

1. Масаланинг қўйилиши ва мақсадининг аниқланиши;
2. Масалани математик ифодалаш;
3. Масалани ечиш услубини ишлаб чиқиш, сонлий усулларни танлаш;
4. Масалани ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш;
5. Маълумотларни таерлаш ва таркибини аниқлаш (танлаш);
6. Дастурлаш;
7. Дастур матнини ва маълумотларни ахборот ташувчига ўтказиш;
8. Дастур хатоларини тузатиш;
9. Дастурни автоматик тарзда ЭХМда божарилиши;
10. Олинган натижаларни изохлаш, таҳлил қилиш ва дастурдан фойдаланиш учун кўрсатма ёзиш;

"Информатика" курсида 1-4 босқичлар киска маонода, хусусий

хатолар, кўп учрайдиган мураккаб бўлмаган маълумотлар учун тушутирилади. Бу босқичлар том маонода тулалигича мутахассисликни эгаллаш давомида махсус курслар воситасида ургатилади.

8 ва 9-босқичларни бажаришда мутахассис (ЭХМдан фойдаланувчи) ЭХМдан фойдаланади.

7-босқичда ЭХМдан фойдаланиш ҳам, фойдаланмаслик ҳам мумкин ИТМни ЭХМда ечиш босқичларини алоҳида қўриб чикамиз.

1-босқич. МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА МАҚСАДНИ АНИҚЛАНИШИ. Халқ хужалигининг муайян соҳаси (техника, иктисод, лингвистика, таълим ва х.к) буйча ишлаётган малакалий ва етакчи мутахассис томонидан бажариладиган иш.

Масалани мақсадни амалга ошириш учун керакли маълумотлартаркиби (структураси), тузилиши, ифодаланиши аниқланган бўлиб, улар орасидаги боғланишлар аниқ ифодаланган бўлса масала қуйилган деб айтилади.

2-Босқич. МАСАЛАНИ МАТЕМАТИК ИФОДАЛАШ.

Бу босқичда масалани ечиш учун керакли ва етарли бўлган дас-

тлабки маълумотларни таркиби, тавсифи, тури, тузилиши ҳисобга олинган ҳолда математик терминлардан ифодаланади, ҳамда масалани ечишнинг математик терминларда ифодаланади, ҳамда масалани ечимининг математик терминларда ифодаланади, ҳамда масалани ечишнинг математик модели яратилади. Бунинг учун ҳар хил математик аппарат ишлатилиши мумкин. Масалани иктисод соҳасидаги мутахассислар - чизиклидастурлаш, динамик дастурлаш, стохастик дастурлаш, башоорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ечиш математик апаратини билдириш керак; техник соҳасидаги мутахассисликлар оддий дифференциал тенгламалар ва уларнинг тизимлари, механиканинг четки масалаларни, газ динамикасидаги оид масалаларни, интеграл қўринишидаги масалани ифодалаш ва ечиш учун ишлатиладиган математик аппаратни тулик тушуниб етган бўлиши керак.

3- босқич МАСАЛАНИ ЕЧИШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ,

СОНЛИ УСУЛНИ ТАНЛАШ.

4- босқич МАСАЛАНИ ЕЧИШ АЛГОРИТМИН ЯРАТИШ.

5- босқич МАОЛУМОТЛАРНИ ТАЙЕРЛАШ ВА ТАРКИБИНИ

АНИҚЛАШ.

6- босқич ДАСТУРЛАШ.

7- босқич ДАСТУР МАТНИНИ ВА МАОЛУМОТЛАРНИ
АХБОРОТ ТАШУВЧИГА ЎТКАЗИШ.

8- босқич ДАСТУРНИ ХАТОСИНИ ТУЗАТИШ.

9- босқич ДАСТУРНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА ЭХМДА
БАЖАРИЛИШИ.

10- босқич ОЛИНГАН МАОЛУМОТЛАРНИ ИЗОХЛАШ,
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ДАСТУРДАН
ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЙУРИКНОМА ЁЗИШ

Назорат саволлари:

1. Программани тайерлаш этапларини кўрсатинг.
2. Программалашнинг мақсадини кўрсатинг?
3. Универсал программа вазифасини кўрсатинг
4. Дастурни тесдан ўтказишнинг мақсади
5. Қандай тестлаш методларини (усулларини) биласиз ва уларнинг вазифаларига характеристика бering?
6. “Қора” ва “Оқ” қути усуллари методологиясига тушушча бering?
7. Циклларни кулланишини самарадорлиги ?
8. Циклларни қандай оптималлаштириш мумкин?
9. Цикллар программада қандай тартибда жойлашиши мумкин?
10. Модулли программалаштиришни афзаллиги нимада?

16 - Мавзу.

**Программавий таоминот маҳсулот сифатида.
Программавий маҳсулотни лойхалаш усуллари ва компонентлари.**

Р Е Ж А :

1. Маҳсулот концепцияси.

2. Программавий маҳсулотни лойхалаш усуллари.

Таянч сўзлар: Программавий маҳсулотни лойхалаш усуллари ва компонентлари.

Маҳсулот концепцияси.

Программа маҳсулот сифатида ҳуқуқ томонидан ҳимояланган товардир. Программани ҳуқуқ томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ҳимоя қилади.

Тузилган программа маҳсулот сифатини олиш учун ва унинг ав-
тори ҳимояланиши учун Республикада тузилган "Алгоритм ва программалар фондида" мурожат қилиш ва ундан тузилган программани қайд этиш зарур.

Программа маҳсулотини таерлаш воситалари ва компонентлари.

Программа маҳсулотини таерлашда қуйидагилар зарур:

- Такдимнома
- Дискда ёзилган бажарилувчи файл (exe ва com файлларида)
- Программани матни
- Тушунтириш хати
- Тестдан ўтказиш қийматлари
- Тест натижалари
- Модификация қилиш йўллари

Дастурни ва дастурий комплексларни лойхалаш қисқа вақт

ичида лойхаловчилар ёрдамсиз фойдаланиладиган дастурий маҳсулот яратишни таъминлаш лозим. Дастурий маҳсулот сифатида дастурнинг тексти, машинада ифодаловчи сифати кўриниши (магнит диск) ва дастурни ҳужжатлари сифатида курилади. Дастурий маҳсулотлар дастур ва алгоритм фондида ҳисоба олинади. Уларнинг вазифасига фойдаланувчи учун дастур ва унинг ҳужжатларини нусхаларини чиқариб бериш керак.

Дастурий маҳсулот сифатига қуйидагилар талаб қилинади: Фун-
кционалиги, ишончилиги, фойдаланишга қулайлиги (керакли ҳужжатларни яратишда ва дастурий комплексни лойхалашни тўғри бажариш ҳисобига)

Мураккаб дастур ва дастурий комплекслар учун дастур лойхала-
лаш алгоритм ва маълумотлар таркибини лойхалаш билан биргаликда бажарилади.

Лойхалашда вазмфани бир нечта кичик вазифаларга бўлиб,

уларни ечиш учун дастурий модуль ҳосил қилинади. Бу ҳолатда дастур кўп модуль структура сифатида лойхаланади. Кўп модуль дастурларни иккита лойхалаш усули мавжуд: кутарилувчи ва пасайувчи. Кутарилувчи лойхалаш (пастдан юқорига қараб лойхалаш). Бунда бир нечта йирик модульларга ажратиб уларни айрим функциялари умумий дастурда амалга оширилади.

Модульларни ажратилаётган вақтда фойдаланиладиган функцияларни тушиниш учун осонлигича, маълумотлар таркибини оддийлигича, берилган функцияларни амалга ошириш учун модуль ва дастурларни тайер ҳолатда борлигича, янги мақсадларда тайер дастурни ўзгартиришга имконият борлигича ва келажакдаги модульнинг ўлчами ва аҳамиятига ендашади. Кутарилувчи лойхалашда ҳар бир модуль автоном равишда дастурланади, тестдан утқазилади ва соланади. Шундан кейин алоҳида бўлган модульлар подсистемага бошқарувчи модульлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу ҳолатда модульлар чақириш кетма кетлиги, киритиш, чиқариш, натижа ва маълумотлар назорати ёрдамида бирлаштирилади. Шунга асосан ўз навбатида подсистемалар мураккаб система ва умумий дастурий комплексга бирлаштирилади. Бунда модульларро алоқалар тўғрилигига комплекс солашдан утқазилади.

Бундай ендашишлар унча мураккаб бўлмаган дастурларни лойхалашда фойдаланиш маслаҳат берилади. Агар кичик дастурларнинг ўлчамлари катта бўлмаса, унда кичик дастурларни ажратиб уларни лойхалашни бошлаган маъқулдир.

Кутарилувчи лойихалашнинг асосий нуксонлари сифатида модулларни ягона системага бирлаштиришда, лойихалашнинг бошида йўл қуйилган хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни куриш мумкин. Ундан ташқари алохида бўлган модулларни бутун системани таркибини тасавур этмаган ҳолда яратиш мумкин. Бу эса бирлаштиришни мураккаблаштиради. Жуда мураккаб бўлган дастурларни лойихалашда пасайивчи лойихалаш маслаҳат берилади. Бу усулда ечилаётган масалани умумлаштириш погоналарига буйсунишига асосланади. Умумлаштириш погоналарини буйсуниш схемаси дастурини фикрини олдин нима қилиш керак ва ундан сўнг қандай қилиш кераклигига тўғрилайди. Асосий дастур юқори поғонадаги дастур, чақирикларни бошқарувчи анча қуйи поғонага езилади. Бу қуйи поғонадаги модуллар уз навбатида яна ҳам қуйи поғонада бўлган модуллар чақирикларни бошқаради. Бундай лойихалаш майдони мураккаб ва нозик бўлган дастурларни унча катта булмаган оддий модуллардан яратишга ёрдам беради: вазифа ўлчами умумлаштирувчи модуллар сонига тасвирланади.

Дастурни юқори сифатида биринчи уринда лойихалаш вақтида алгоритм схемасини чуқур ишлаб чиқиш ҳисобига эришилади. Бу авваламбор дастурни беҳатолиги, дастурчини хатолар йўқлигига ишонч ва фойдаланувчини дастурни тўғрилигига ишончидир. Дастурни бу хатолигига ишончлилик, уни тушунарлиги, одийлиги, осон ўқилиши, муалифлар ва фойдаланувчилар томонидан осон интерпретациялашдир. Чунки хатолар уни яратишда ва фойдаланишда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Лойихалаш вақтида хато килмасликни иложи йўқ, шунинг учун уларни олдини олиш учун қуйидаги маслаҳатлар берамиз. Бу маслаҳатлар ёрдамида сиз тезда хатоларни ва уларни сабабларини аниқлашингиз, ҳамда олдини олишингиз мумкин.

1. Қуйилган вазифани, уни математик моделини яратиш вақтидаек чуқур, тулик ва яхши тушунишга интилиш керак. Бундай интилишлар дастур объектлари ўртасидаги мантикий ўзаро таъсирларни тушунишга олиб келади.

2. Вазифаларни ечиш алгоритми ЭВМ да ҳисоблаш жараёнларини қобилятини тулик ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

3. Алгоритмни лойихалаш вақтида иложи борица тушунарли ва содда бўлишига интилиш керак. Бу дастурни ёзишдаги дастурлаш тили шаклига ҳам боғлиқдир. Таркибий дастурлашда қулланиладиган стандарт усуллар, дастурни тушунарли қилади, аммо бир хилги ҳолларда у нозик ва самарасиз бўлиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Шунинг учун содда ва тушунарли дастур самарали дастурга нисбатан устун туради. Таркибий дастурлаш системали ендашишнинг асосий принципларига асосланади: дастур майда кадамлардан ташкил топиши керак. Кадам ўлчамлари дастурчи томонидан шу кадамда қуллақтган ечимлар сонига асосан ўлчанади. Мураккаб вазифалар етарли равишда сдда, қабул қилишга осон бўлган блокка бўлинади. Уларнинг ҳар бири биттадан кириш ва чиқишга эга бўлади. Дастурнинг мантикий оддий таркибий бошқарувчи базаларнинг энг оз сонига таянади. Таркибий дастур биттадан кириш ва чиқишдан иборат бўлган кетма-кет еки бир-бирига қийдирилган блоклар тизимидан ташкил топган. Бунда блоклар ўлчами дастурлаш тили (оператор) нинг элементар таллифи бугимигача етади. Энг содда дастурга эга бўлиш учун, сиз лойихалаш вақтида маълумотлар таркибини аниқлаб олишингиз керак. Чунки бу таркиблар устидан ишлагандан сўнг сиз интилган натижага эришасиз. Дастур маълумотлар билан алгоритмлар ўртасидаги тесқари таъсир сифатида қўриниши керак. Дастурда киритиш чиқариш жараёнлари, ташкил этишга, дастур ташқарисидан киритилаётган бошлангич маълумотларни распечаткаси ва ёзишда маълумотлар таркибини ва уларни интерпретациясини таблицаб графика ва х.к сифатида қўрсатиш керак. Ўзгарувчиларни инициализациялаш ни улардан фойдаланишдан олдин бажариш лозим. Маълумотларни тўғрилигини, уларни алгоритмга киритишда текшириш дастурни сифатини оширади. Ўзгарувчиларни солиштирувчилари маоноли юклашлардан иборат бўлиши керак. Жуда кўп ҳолларда ўзгарувчиларни тасвирловчилар дастурда осон расшифровкаловчи сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган бўлади.

Бошлангич маълумотларни тубанлашишида дастурни тўғри бажарилишига интилиш керак. Бунда сараловчи дастур битти элементдан ташкил топган рўйхатни саралаш керак; матрицалар билан ишловчи дастур матрица битта элементдан ташкил топганда қайта шаклланиши керак; нотўғри бошлангич маълумотга эга бўлган дастур хатолар борлиги ҳақида хабар берувчи вазифа билан тугаши керак. Дастурни ўқиш осон кечиши учун алохида сўзлар ва жумлалар уртасида жой(пробел) қолдириш маслаҳат берилади.

Дастурни таркибий қисмида дастур тўғрисида маълумот берувчи иловалар бўлиши керак.

Назорат саволлари:

1. Программа махсулотини тайёрлаш воситалари ва компонентларига тушуинча беринг.
2. Программивий махсулотни лойихалаш усулларини вазифасини кўрсатинг.
3. Дастурни тесдан ўтказишнинг мақсади
4. Қандай теслаш методларини (усулларини) биласиз ва уларнинг вазифаларига характеристика беринг?
5. “Қора” ва “Ок” қути усуллари методологиясига тушушча беринг?
6. Циклларни қулланишини самарадорлиги ?
7. Циклларни қандай оптималлаштириш мумкин?
8. Цикллар программада қандай тартибда жойлашиши мумкин?
9. Модулли программалаштиришни афзаллиги нимада?
10. Дастурни лойихалаштиришга тушинча беринг?

17 - Мавзу.

Программивий таоминот махсулот сифатида.

Программивий махсулотни лойихалаш ва анализ қилиш усуллари.

Р Е Ж А :

1. Программивий махсулотларни конструкциялаш.
2. Программивий махсулотларни баҳолаш.
3. Ишлатилиши.

Таянч сўзлар: Программавий махсулотни лойихалаш ва анализ қилиш усуллари. Кичик ҳажимдаги программаларни ишлаб чиқариш усуллари. Катта ҳажимдаги программа лойиҳаларни тадбиқ қилиш йўллари.

Фойдаланиш хусусияти ва фойдаланувчилар категорияларига кўра барча дастурларни икки синфга - утилитар дастурлар ва дастурий махсулотларга бўлиш мумкин.

Утилитар дастурлар - шу дастурларни ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган. Кўпроқ утилитар дастурлар маълумотларни қайта ишлаш технологиясида сервис ролини бажаради еки кенг тарқалиш учун мўлжалланмаган функционал вазифаларни ҳал этиш дастурлари бўлади.

Дастурий махсулотлар фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондириш, кенг тарқатиш ва сотиш учун мўлжалланган.

Ҳозирги пайтда дастурий махсулотларни очик (легал) тарқатишнинг бошқа вариантлари ҳам мавжуд, улар ялпи (глобал) ва минтақавий коммуникациялардан фойдаланиш билан юзага келади.

Freeware-эркин тарқатиладиган фойдаланувчининг ўзи кул-лаб-куватлайдиган бепул дастурлар, у буларга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Shareware-нотижорат (шартли-туловсиз) дастурлар, улардан одатдуловсиз фойдаланиш мумкин. Бундай махсулотлардан доимий фойдаланилганда муайян сумма бадал туланади.

Бир қатор ишлаб чиқарувчилар OEM-дастурлар (Original Equipment Manufacturer), яъни компютерларга ўрнатилган е ҳисоблаш техникаси билан биргаликда келтирилган махсус дастурлардан фойдаланилади.

Дастурий махсулот фойдаланишга тегишли равишда тайерланиши зарур техник ҳужжатларига эга бўлиши, шунингдек давлат рўйхати коди мавжуд бўлиши лозим. Фақат шундай шароитлардагина яратилган дастурий мажмуа дастурий махсулот деб номланиши мумкин.

Дастурий махсулот-саноат махсулотининг исталган тури каби реализацияга тайерланган оммавий эҳтиёжли муайян муаммо (вазифа)ни ҳал этиш учун ўзаро боғланган дастурлар мажмуасидир.

Дастурий махсулотлар қуйидагича яратилиши мумкин:

буюрмага кўра индивидуал ишланма;

фойдаланувчилар орасида оммавий тарқатиш учун ишланма.

Индивидуал ишланмада фирма-ишлаб чиқарувчи муайян буюртмачи учун маълумотларни қайта ишлаш ўзига хослигини ҳисобга олувчи дастурий махсулотни яратади.

Оммавий тарқатиш учун ишланмани яратишда фирма-ишлаб чиқариувчи, бир томондан, маълумотларни қайта ишлашни бажарилаётган функциялар универсаллиги, бошқа томондан, муайян бир куллаш шароитида дастурий махсулотнинг мосланиши ва созилишини таъминлаш лозим. Дастурий махсулотларнинг ажралиб турувчи хусусияти унинг тизимлилиги-жамлиқда кулланилган ҳолда амалга ошириладиган қайта ишлаш вазифаларининг функционал тлақонлиги ва тугаллиги бўлмоғи

лозим.

Дастурий махсулот дастурлаштиришнинг замонавий асбобсозлик воситалари кулланган ҳолда лойиҳа ишларини бажариш саноат технологияси асосида ишлаб чиқилади. Унинг ўзига хаослиги ахборот ва асбобсозлик воситаларидан фойдаланишни қайта ишлаш хусусиятига боғлиқ ҳолда алгоритм ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнининг ноблигидадир. Дастурий махсулотларни яратишга кўплаб меҳнат, моддий, молиявий захиралар талаб этилади; юқори малакали мутахассислар зарур.

Дастурий махсулотни тайерлаш (кузатиш) - дастурий махсулот ишга лаекатлигини куллаб-куватлаш, унга янги версиялар, ўзгартиришлар киритиш, топилган хатоларни тугралаш ва хоказоларни ўз ичига олади.

Дастурий махсулотлар анъанавий дастурий махсулотлардан фаркли равишда дастурларни яратишда бериладиган сифат хусусиятларининг катъий белгиланган туркумига эга эмас еки бу хусусиятларни олдиндан аниқ кўрсатиш еки баҳолаш мумкин эмас, чунки дастурий восита таъминлайдиган бир хил қайта ишлаш вазифалари турли ички ишланмаларга эга бўлиши мумкин. Хатто дастурий махсулотларни ишлаб чиқишга сарфланадиган вақт ва ҳужжатларни ҳам олдиндан катта аниқликда белгилаш мумкин эмас.

Дастурларни асосий тавсифлари қуйидагилар;

* алгоритмик мураккаблик (ахборотни қайта ишлаш алгоритм мантиқи);

* қайта ишлашнинг амалга оширилган вазифалари ишланмаларнинг таркиби ва чуқурлиги;

* қайта ишлаш вазифаларининг тўлақонлиги ва тизимлилиги;

* дастурлар файллари ҳажми;

* дастурий восита томонидан қайта ишлашнинг операйон тизими ва техник воситаларга талблар;

* дискли хотира ҳажми;

* дастурни тушуриш учун оператив хотира ўлчами;

* процессорлар турлари;

* операйон тизимлар версиялари;

* ҳисоблаш тармоқларининг мавжудлиги ва бошқада.

дастурий махсулотларнинг сифат курсаткичлари хилма-хил, улар қуйидаги жиҳатларда акс этади:

* дастурий махсулотни қанчалик яхши (оддий, ишончли, самарали) фойдаланиш мумкинлиги;

* дастурий махсулотдан қанчалик енгил фойдаланиш мумкинлиги;

* дастурий махсулотни куллашда шароит ўзгарганда ундан фойдаланиш мумкинлиги еки йуклиги ва бошқадар.

Харакатчанлик-дастурий махсулотларда маолумотларни кайта ишлаш тизими техник мажмуаси, оперцион мухит, маолумотларни кайта ишллашнинг тармок технологияси предметли соха ўзига хослиги ва хоказолардан мустикалликни англатади. Харакатчан (кўп платформали) дастурий махсулот хисоблаш тармоги шароитида фойдаланишга ҳеч қандай чекланишларсиз компютерлар ва операцион тизимларнинг турли моделлариға урнатилиши мумкин. Бундай дастурий махсулотларни кайта ишлаш функциялари бирон-бир ўзгаришсиз оммавий фойдаланиш учун макбулдир.

Ишончилилик-дастурий махсулот ишида узликсизлик ва баркарорлик, кайта ишлашни бажаришнинг аниқлиги, иш жараёнидаги хатоларни олдиндан билиш билан белгиланиди.

Самарадорлик-дастурий махсулот фаолиятида унинг ҳам бевосита вазифаси-фойданувчи талаби, ҳам фойдаланиш учун зарур бўлган хисоблаш захиралари харажатлари нуктаи назаридан бахоланади.

Инсон омилини хисобға олиш охириги фойдаланувчи учун дустона интерфейсни таоминлаш, дастурий восита таркибида контексли-боғлиқ холда айтиб берувчи еки уқитувчи тизим, дастурий воситаға киритилган функционал имкониятларни узлаштириш ва улардан фойдаланиш учун яхши хужжатлар мавжудлигини англатади.

Модификацияланганлик-дастурий махсулот ишида ўзгартиришлар киритиш, масалан, кайта ишлаш функцияларини кенггайтириш, кайта ишлашнинг бошқа техник базасиға ўтиш ва бошқадарға қобилликни англатади.

Коммуникативлик-дастурий махсулот ишида бошқа дастурлар билан энг кўп интеграйияси, умумий такдим этиш шаклларда маолумот алмашувини таоминлаш(маолумотлар базасининг экспорт ва импорти, кайта ишлаш объектларини тадбик этиш еки боғлаш ва бошқадарға асосланган).

Дастурий махсулотлар бозори мавжудлиги шароитларида мухим хусусиятлар қуйидагилардир:

- * нарх;
- * сотилган махсулот сони;
- * бозорда туриш вақти(савдо давомийлиги);
- * фирма-ишлаб чиқарувчи ва дастурлари машхурлиги;
- * худди шундай дастурий махсулотларнинг мавжудлиги.

Оммавий тарқатиладиган дастурий махсулотлар бозор эҳтиёжи ва конъюнктурасини (ракиблар дастурлари мавжудлиги ва нархлари) хисобға олувчи нархларда сотилади. Фирма олиб борадиган маркетинг ишлари катта аҳамиятға эға, у қуйидагиларни уз ичига олади:

- * бозорни эгаллаш учун нарх-наво сиесатини шакллантириш;
- * дастурий махсулотни кенг реклама қилиш;
- * дастурий махсулотни сотиш учун саовдо тармокларини барпо қилиш(дилерлик ва дистрибютерлик марказлари деб аталади);

* дастурий махсулот фойдаланувчиларға қафолатли хизмат кўрсатишни таоминлаш, тезкор линияни яратиш(дастурий махсулотлардан фойдаланиш жараёнида юзаға келган саволларға тезкор жавоб);

- * дастурий махсулот фойдаланувчиларини уқитиш

Назорат саволлари:

1. Фойдаланиш хусусияти ва фойдаланувчилар категорияға кўра барча дастурлар неча синфға бўлинади?
2. Дастурий махсулот бу нима?
3. Дастурларни асосий тавсифларини кўрсатинг.
4. Дастурни тесдан ўтказишнинг мақсади
5. Қандай теслаш методларини (усулларини) биласиз ва уларнинг вазифаларига характеристика беринг?
6. “Қора” ва “Ок” қути усуллари методологиясига тушушча беринг?
7. Циклларни кулланишини самарадорлиги ?
8. Циклларни қандай оптималлаштириш мумкин?
9. Цикллар программада қандай тартибда жойлашиши мумкин?
10. Модулли программалаштиришни афзаллиги нимада?

18 - Мавзу.

Программаларни хужжатлаштириш.

Р Е Ж А :

1. Программа кузатувчини хужжатларини асосий турлари.

2. Хужжатлаштириш ташки спецификацияси.

Таянч сўзлар: Программавий махсулотни лойихалаш ва анализ қилиш усуллари. босқич, реал дастур, Кичик ҳажимдаги программаларни ишлаб чиқариш усуллари. Катта ҳажимдаги программа лойихаларни тадбик қилиш йўллари.

Хужжатлаштириш, мисол келтиришни босқич бошидан бир вақтда дастур ишлаб чиқаришдан бошланиши лозим. Ишлаб чиқарилган дастур дан фойдаланиш учун керакли кулланма утилиши керак. Емон хужжатлашган дастур бир гуруҳ мутахасислар орқали текширилиши керак. Улар чала хужжатларни кушишлари ва эски распечатка сифатидаги хужжатларни урганишлари керак.

Дастурларни кўчириш.

Кўчириш самараси ва тез созланувчи дастурни тайерлашға ёрдам беради. Катта дастурларда ишлашда, улапрнинг асосий қисмни моделлаштириш учун кичик дастурларни ёзиш мақсадға мувофик бўлади.

Катта дастурлар учун кенг киритиш-чиқариш ва дастурлаш билан тестдан ўтказиш учун кўп вақт керак бўлиши мумкин. Моделда киритишнинг булмаслиги ва соддалаштирилган чиқаришлар бўлиши мумкин. Бу ўртача дастур бошқача ишловчи реал дастурга караганда икки тартибга озроқ бўлиши керак бўлади. Яқиний ечим яқинлиги топилганда ҳам, модел асосий ёрдам бериши керак бўлади. Модел дастурни ҳар қандай тилда ёзиши мумкин ва лойиха ҳамда алгоритм текширишда фойдаланиш мумкин.

Дастурни қайта ёзишда еки бошқа ҳолларда, текшириш усулларида системани назорат қилишни қўллашдир, яъни ҳар бир дастур унинг авторига ва қаида битта дастурчиға тушунарли бўлиши керак.

Ҳар бир дастур лойихаланаётган дастурий буюмға ҳужжатлар ҳам биргаликда бажарилиши керак. Ҳужжатларни ва дастурға керакли бўлган талабларни унификациялаш мақсадида улар ягона дастурий ҳужжатлар системасига (ЕСПД) стандартлаштирилган. Унинг таркибига тури ва шаклини аниқлаб берувчи стандартлар, ҳужжатлар таркиби, уни кузатиб бориш, яна қўшимча сифатида дастурий ҳужжатларни автоматлаштирилишини таъминловчи стандартлар қиради.

Дастур учун бажарилган ҳужжатлар дастурни ўтказиш ҳамда узатиш учун фойдаланилади ва дастур тайёрлашда қўлланилади. Дастурий ҳужжатлар таркибига спецификациялар, асосий нусхалар ведомости, дастур тексти, дастур таркиби, дастурчи бошқариши, тил таркиби, техник хизмат бошқариши.

Спецификация - дастур таркибини ва унинг ҳужжатларни уз ичига олади. Асосий нусхалар эгасининг ведомостларида дастурий ҳужжатлар сакловчи қорхоналар таркиби қўрсатилган. Керакли тушунтиришларға эға бўлган дастурий текст ҳам дастурий ҳужжатлар ҳисобланади. Бу ҳужжат бир еки бир неча қисмли текстларни уз ичига олади. Унинг ҳар бирида дастур қайси бир алгоритмик тилнинг белгилари ёрдамида ёзилган бўлади. Дастур таркиби қуйидагиларни уз ичига олади. Умумий маълумотлар, функционал вазифаси, мантиқий таркибини тартибташки ички алоқалар, қирувчи маълумотларни чиқариш ва юқланиш бўйича инструкциялар, қиқувчи маълумотлар.

Синаш методикаси ва дастурини номли ҳужжат синашдаги текширишларни назорат қилиш усллари ва тактлари, дастурий тавсифига талабларни уз ичига олади.

Техник вазифа дастури қўшилаётган талабларни аниқланиб берилади. Тушунтириш ҳажмида алгоритм тартиби дастурини функциялаштириш қўрсатилган.

Қолган ҳужжатлар эксплуатация қилинувчи қаторға қиради. Қўлланиш тартиби дастурни қўлланиш чегаралари қаида, вазифани ечиш синфи ва усули қаида, дастурни вазифаси тўғрисидаги маълумотларни уз ичига олади. Тартибий дастурчи бошқарув дастури таркиби қаидаги маълумотларни, аниқ бир қўлланиш шароитларға созлаш қаида маълумотлар қўрсатилиши, созлаш вақтида чиқарилаётган хабарлар тексти, дастур текширилганлиги қаида маълумот. Дастурчининг бошқарув дастурни ишлатишда керак бўлган маълумотларни ҳамда бажарилиши вақтидаги шартлар (оператив хотира ҳажми, периферияни мослама ўлчамлари ва таркибий қўшган талаблар, дастурий таъминлашға қуйилган талаблар) умумий тавсифларни таркибий ва дастур ҳусусиятлари (вақтинча тавсифи, ишлаш режими, дастурни тўғри бажарилишини назорат қилиш усллари, маълумот ўлчамларини узатишчиқиш ва қириш жараёнларини ташкил этиш таркиби қиради.

Оператор йуриқномаси дастурни бажариш вақтида ЭХМ билан оператор ўртасидаги мулоқот шартларини уз ичига оалди. Яъни аппарат воситалари тартиби, юқлатиш вақтида оператор ҳаракатлари кетма-кетлиги, еки дастурни бажариш ва тузатиш, оператор бўйруқларни тахминий формалар, дастурни бўйруқларға бўлган жавоблари, операторға бўлган хабарлар тексти ва унинг мумкин бўлган ҳаракатлари тартиби. Дастурлаш тилида езилишнинг махсус стандарт, вазифаларини бошланиш, ҳисоблаш жараёнини ташкил этиш ва ҳоказо). Дастур билан фойдаланувчи ўртасидаги мулоқот тилни аниқлаб беради ва тилни тавсифини, синтаксизини маълумотлар симантикни тилнинг таркибий элементларини, стандарт функцияларни, тилдаги дастурни созлаш воситалар таркибини назарда тутди.

Техник хизмат қилиш бўйича қўлланма техник хизмат қўрсатувчи воситалардан қўлланиладиган текстли ва диагностикали дастурларни уз ичига олади ва фақат шу дастурларда қўлланилади.

Спецификациядан ташқари у еки бу ҳужжатға бўлган муҳтожлик дастурға қуйилган техник вазифада аниқланади.

Дастурий ҳужжатлар ҳар қил кўринишда (қоғозда, магнит ленталарда, магнит дискларда ва х.к) бўлади ва улар қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: титулли, маълумотли, анотация, ҳулоса асосий ва қисм регистрацияси.

Ўз-ўзигани ҳужжатлаштирувчи дастурлар бошида қўллаш ва кузатиб бориш инструкцияларини уз ичига олади. Бу инструкцияларда қирувчи ва қиқувчи қатталиқлар, массив ва ўзгарувчилар белгиланувчи ва уларни маъноси берилади. Айрим ҳолларда дастур таркибини алгоритм тилида қўрсатиш ҳам мақсадға мувофиқдир. **Назорат саволлари:**

1. Программани ҳужжатлаштириш қайси вақтдан бошланиши керак?
2. Программа қўзатувчини ҳужжатларини асосий турларини қўрсатинг?
3. Дастурий ҳужжатлар қандай кўринишда бўлади ва улар қандай қисмлардан иборат бўлади?
4. Программа махсулотини тайёрлаш воситалари ва компонентларига тушуинча беринг.
5. Программани махсулотни лойихалаш услларини вазифасини қўрсатинг.
6. Дастурни тестдан ўтказишнинг мақсади
7. Қандай тестлаш методларини (усулларини) биласиз ва уларнинг вазифаларига характеристика беринг?
8. “Қора” ва “Оқ” қўти усллари методологиясига тушушча беринг?
9. Циклларни қўлланишини самарадорлиги ?
10. Циклларни қандай оптималлаштириш мумкин?

Р Е Ж А :

1. Амалий дастурий таоминот.
2. Электрон жадваллар.
3. Интеграциялашган пакетлар.
4. Эксперт тизимлар.

Таянч сўзлар: Амалий дастурлар таоминоти,инструментал воситалар ва уларни ривожланиш тенденциялари.

Амалий дастурлар таоминоти,инструментал воситалар ва уларни ривожланиш тенденциялари.

Амалий дастурий таоминот фойдаланувчининг аниқ бир вазифалари? - иловалар%ни ишлаб чиқиш ва бажариш учун мўлжалланган.

Амалий дастурий таоминот тизимли ДТ,хусусан,операцион тизимлар бошқарилуви остида ишлайди.Амалий ДТ таркибига қуйидагилар кирад:

- Турли вазифалардаги амалий дастурлар пакетлари;
- фойдаланувчи ва АТ умумий иш дастурлари.

Амалий дастурлар пакетлари (АДП) фойдаланувчи хал этаётган вазифаларни автоматлаштиришнинг кучли куралидир,у ахборотни қайта ишлаш бўйича камп'ютер бирор ишни қандай бажаретгани билиш заруриятдан амалда улик озода этади.

Хозирги пайтда уз функционал имкониятлари ва амалга ошириш усулларига кўра фаркланувчи АДПнинг кенг спектри мавжуд.

Амалий дастурлар пакети (АДП) - бу муайян (функционал тизм ости, бизнес - илова) синф вазифаларини хал этиш учун мўлжалланган дастурлар мажмидир.

АДП қуйидаги турлари фаркланади:

- умумий вазифадаги(унверсал);
- услугий йуналиштирилган;
- глобал тармок;
- хисоблаш жараёни ташкилотлари(маъмурийлаштириш).

Умумий вазифадаги АДП- фойдаланувчи ва умуман ахборот тизими функционал вазифаларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишни автоматлаштириш учун мўлжалланган.

Бу АДП синфига қуйидагилар оиддир:

- матнли(матнли процессорлар) ва график муҳаррирлар;
- электрон жадваллар;
- маолумотлар базасини бошқариш тизимлари(МББТ);
- интеграцияланган пакетлар;
- case-технологиялар;
- экспорт тизимлар қобиклари ва суноий интеллект тизимлари.

Муҳаррирлар

Муҳаррирлар деб матнлар, график маолумотлар ва иллюстрацияларни яратиш ва ўзгартиришлар учун мўлжалланган АДПга айтилади.

Улар асосан фирмада ҳужжат айланишини автоматлаштириш учун мўлжалланган.

Муҳаррирларни уз функционал имкониятларига кўра матнли, график,нашрий тизимларга бўлиш мумкин.

Текстли(матнли) муҳаррирлар матнли ахборотни қайта ишлаш

учун мулланган ва асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- матнни файлга ёзиш;
- қўшимча киритиш,чиқатриб ташлаш,рамзлар,қаторлар,матн парчаларини алмаштириш;
- орфографияни текшириш;
- бобларни тайерлаш,матнларни саҳифаларга бўлиб ташлаш;
- сўз ва жумлаларни излаш ва алмаштириш;
- матнга содда безаклар киритиш;
- матнни териб тайерлаш.

MicroSoft Word,Word Perfect(хозирда Corel фирмасига тегишли),

ChiWriter, Multi-Edit(American Cybernetics) ва бошқадарнинг матнли муҳаррирлари кенг тарқалган.

График муҳаррирлар диаграмма,иллюстрация(безаклар),чизма ва жадвалларни уз ичига олган график ҳужжатларни қайта ишлаш учун мўлжалланган.Фигура ва шрифтлар ўлчамини бошқариш,фигура ва ҳарфларни қўчириш,турли тасвирларни ҳосил қилишга йўл қуйилади. Анча машҳур график муҳаррирлардан PC Paintbrush,Boieng,Graf,Fantavision ва бошқадарни келтириш мумкин.

Нашрий тизимлар узида матнли ва график муҳаррирлар имкониятларин бирлаштиради,график материаллардан саҳифани шаклга келтириш ва уни босишга тайерлаш бўйича ривожланган имкониятларга эга .

Бу тизимлар нашрий ишларда фойдаланишга йуналиштирилган ва саҳифалаш тизимлари деб аталади.Шундай тизимлардан Adobe фирмасининг PageMaker ва Corel корпорациясининг Ventura Publisher маҳсулотларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Электрон жадваллар.

Электрон жадваллар деб жадвалларни қайта ишлаш учун мўлжалланган АДП электрон жадвалига айтилади .

Жадвалдаги маолумотлар устун ва қаторлар кесишган жойдаги катакчаларда сақланади.Бу катакчаларад сонлар,рамзий маолумотлар ва формулалар сақланиши мумкин.Формулалар бир катакчадаги нарсани бошқасидан мустакил тутади.Бу синфдаги энг оммабоб АДПларга MicroSoft Exel,Lotus 1-2-3,Quattro Pro ва бошқа шу каби маҳсулотлар киради.

Маолумотлар базасини бошқариш тизимлари. Ички машина ахборот таоминотини яратиш учун махсус АДП - маолумотлар базасини бошқариш тизимларидан фойдаланилади.

Маолумотлар базаси-дискда сақланадиган махсус равишда ташкил қилинган маолумотлар туркумларининг жамланмасидир.

Маолумотлар базасини бошқариш маолумотларини киритиш, уларни тузатиш ва маолумотлардан турлича фойдаланиш, яъни қўшимча қушиш, олиб ташлаш, янгилаш ва ҳақозоларни уз ичига олади.

МББТнинг ривожланиши маълумотлар базасида ахборотни аниқ бир ташкил қилишдан амалий дастурлар мустақиллигини таъминлайди. Маолумотларни ташкил қилиш усулига боғлиқ ҳолда МББТлар тармоқли, поғонали(иерархик), таксимловчи, реляцион турларга бўлинади. Мавжуд МББТлар орасида оммавийлашганлари Borland корпорациясининг Microsoft Access, Microsoft FoxPro, Paradox, шунингдек, Oracle, компаниясининг Informix, Ingres, Progress МББТларидир.

Интеграциялашаган пакетлар.

Интеграциялашаган пакетлар деб умумий вазифадаги АДП турли дастурий компонентларини узида бирлаштирувчи АДПга айтилади.

Замонавий интеграциялашган АДПларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

матнли муҳаррир;

электрон жадвал;

график муҳаррир;

МБТ;

коммуникацион модуль.

Қўшимча модульлар сифатида интеграциялашаган пакетга файлларни экспорт-импорт тизими, калкулятор, тақдим, дастурлаштириш тизимлари сингари компонентларни келтирилиши мумкин.

Компонентлараро ахборот алоқаси турли маолумотларни тақдим этиш шакллари билан бир хиллаштириш йўли билан таъминланади. Турли компонентларни ягона тизимга жо қилиш фойдаланувчига интерфейсида шак-шубҳасиз авзалликлар беради, бироқ тезкор хотири кучли талаблар қисмида у муҳаррир юткизади.

Мавжуд пакетлар орасида Fremwork, Starnave, Microsoft Office

қабиларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Case - технологиялар.

Case - технологиялар турли мутахассислар : тизимли таҳлилчилар, лойҳачилар ва дастурчилар иштирок этадиган , одатда жамоавий сафарбарликни талаб этувчи мураккаб ахборот тизимларини яратишда қўлланилади.

Case - технологиялар деганда АТ предмет соҳасининг таҳлили

услугияти, лойҳалаштирилиши, дастурлаштирилиши ва фойдаланилиши уз ичига олган ахборот тизимларини ишлаб чиқаришни автоматлаштириш востиялари йиғиндиси тушунилади.

Case - технологияларининг асбобсозлик воситалари тизим циклининг барча ҳаётий босқичларида (таҳлил ва лойҳалашдан то татбиқ этилгунча) қўлланилади, улар юзага келган вазифаларни ҳал этишни анча соддалаштиради.

Case - технологиялардан фойдаланишда тизим ишланмасини тайерловчи киши деталларга қалғимай юқори даражада лойҳалаштириш билан шугулланади, Бу бошиданок ҳато қилмаслик, анча мукамал дастурий маҳсулотлар олиш имконини беради. Бу технологиялар компаниялар учун режалаштириш, молиялаштириш, таълим қабил вазифаларни жуда яхши ҳал этишда ёрдам беради. Шундай қилиб Case -технологиялар компанияларга у еки бу лойҳани оқилона амалга ошириш еки бизнес умумий самарадорлиги ни оширишда туб ўзгартиришларни амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирги пайтда Case - технологиялар-узида юзлаб компанияларни бирлаштирган, информатиканинг энг тезкор ривожланаётган соҳаларидан биридир. Бозорда мавжуд Case - технологиялардан Knowledge Ware фирмасининг Application Development Workbench(ADW), BPwin(Logic Works-фирмаси), CDEZ Tools(Oracle -фирмаси) маҳсулотларини мисол келтириш мумкин. Замонавий Case - технологиялар турли синфдаги АТлар: банклар, молиявий корпорациялар, йирик фирмаларни барпо этишда муваффақиятли қўлланилади. Улар одатда анчагина қиммат туради ва АТни яратиш барча жараёнларини тубдан қайта ташкил қилиш ва узок уқитишни талаб этади. Шунга қарамай, уни қўллаш иктисодий самараси жуда аҳамиятли ва қўпгина замонавий, жуддий дастурий лойҳалар айнан унинг ёрдамида амалга оширилади.

Эксперт тизимлар.

Иктисодий ва ижтимоий соҳада ахборотни қайта ишлаш воситаларига доимий ушиб боровчи талаблар мантиқ ва мутахассислар тажрибасига асосланган "нима бўлади, агар" турдаги эвристик (ноформаллашган) вазифаларни ҳал этиш жараёнларини компютерлаштиришни рағбатлантиради. Бунда асосий гоё қандай ҳал этиш керак деган вазифани берувчи эски формаллашган алгоритмлардан предметли соҳа мутахассислари томонидан жамланган билмлар базасида нимани ҳал этиш керак. Қўрсатилган мантикий дастурлашга ўтишдир.

Назорат саволлари:

1. Нима учун амалий дастурий таъминот мўлжалланган?
2. Амалий дастурлар пакетларини (АДП) вазифасини кўрсатиш ?
3. Электрон жадваллар - бу нима ?
4. Интеграциялашган пакетлар, CASE- технологиялар ва эксперт тизимларини вазифалари.
5. Програма маҳсулотини тайёрлаш воситалари ва компонентларига тушуинча беринг.
6. Программивий маҳсулотни лойҳалаш усулларини вазифасини кўрсатиш.
7. Дастурни тесдан ўтказишнинг мақсади
8. Қандай теслаш методларини (усулларини) биласиз ва уларнинг вазифаларига характеристика беринг?
9. "Қора" ва "Ок" қути усуллари методологиясига тушуинча беринг?
10. Циклларни қўлланишини самарадорлиги ?

1. Ван Тассел Д. Стилг, разработка, эффективностг, отладка и испктание программ. М., Мир, 1991.
2. Лингер Р., Теория и практика структурного программирования М., Мир, 1985.
3. В.В. Липаев. “Проектирование программных средств”, М.: “ВШ”, 1991.
4. Фокс Дж. “Программное обеспечение и его разработка”. Пер. с англ. М.: Мир, 1985.
5. С.С. Гуломов. “Иктисодий информатика”. Тошкент 1999 й.

Мундарижа

1. Программалаштириш йўли. Изохлар, бўш сатрлар қолдириш, бўш хоналар номлаш, тартибли нумерлаш. Ўзгарувчиларнинг номини танлаш, файллар номи, қискартиришлар, операторларни жойлаш.....	5
2. Программалаштириш йўли. Бўлимлар номини танлаш. “Ўқилмайдиган” программалар. Программаловчига маслахатлар.....	10
3. Программаларни лойихалаштириш. Масалани тавсифлаш, алгоритмни танлаш, маълумотларни тавсифлаш, программалаш тилини танлаш.....	13
4. Программаларни лойихалаштириш. Универсаллик, кутубхоналар, киритиш ва чиқариш форматлари, мақсадни аниқлаш, мураккаблик.....	17
5. Структуралӣ программалаштириш. Кичик ҳажимдаги программаларни ишлаб чиқариш усуллари. Катта ҳажимдаги программа лойихаларни тадбиқ қилиш йўллари. Программалар стратегияси: Юқоридан поастга жараёни.....	20
6. Структуралӣ программалаштириш. Амалӣ программалаштириш.....	23
7. Программанинг самарадорлиги. Самарадорлик. Программаларни оптималлаштириш. Компиляция жараёнида оптимизациялаш.....	25
8. Программанинг самарадорлиги. Циклларни олиб ташлаш. Циклларни` оптималлаштириш. Оғохлантирувчи хабарлар.....	27
9. Программанинг самарадорлиги. Юклаш модуллари. Модулар. Компилятор ва машина ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш.....	30
10. Программаларни сошлаш. Масалаларни тавсифлаш, алгоритмни танлаш, тахминий ҳатоликлар. Умумий ҳатоликлар, ҳатосиз программалаштириш...35	35
11. Программаларни сошлаш. Сошлаш турлари. Сошлаш воситалари. Умумий тавсиялар. Интерактив ҳолатда сошлаш.....	34
12. Дастурни тестдан ўтказиш. Тестни лойихалаш. Тестлаш усуллари. “Қора” ва “Оқ” қути усуллари методологияси.....	42
13. Программаларни тестлаш. Тестлаш воситалари. Тест ўтказиш этаплари.....	46
14. Программанинг асосий характеристикалари. Ишончлик, самарадорлик, инсон факторини ҳисоби.....	50
15. Программанинг асосий характеристикалари. Программани лойихалашда технологик жараёни.....	55
16. Программавий таоминот маҳсулот сифатида. Программавий маҳсулотни лойихалаш усуллари ва компонентлари.....	58
17. Программавий таоминот маҳсулот сифатида. Программавий маҳсулотни лойихалаш ва анализ қилиш усуллари.....	62
18. Программаларни ҳужжатлаштириш.....	64
19. Хулоса.....	70
20. Адабиётлар.....	75